

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБАДУЛЛАЕВ ЭРГАШ БАКТУРДИЕВИЧ

МИНТАҚАДА ТУРИСТИК РЕКРЕАЦИОН ХИЗМАТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.17- Туризм ва меҳмонхона фаолияти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

УДК: 338.48.796.5 (075)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Ибадуллаев Эргаш Бактурдиевич

Митақада туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш механизмини
такомиллаштириш.....3

Ибадуллаев Эргаш Бактурдиевич

Совершенствование механизма развития туристско-рекреационных услуг в
регионе27

Ibadullaev Ergash Bakturdiyevich

Improving the mechanism of development of tourist and recreational services in the
region.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБАДУЛЛАЕВ ЭРГАШ БАКТУРДИЕВИЧ

МИНТАҚАДА ТУРИСТИК РЕКРЕАЦИОН ХИЗМАТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.17- Туризм ва меҳмонхона фаолияти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt568 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матякубов Умиджон Рахимович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мирзаев Абдуллажон Топилович,
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc).

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (998-62) 224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: info@urdu.uz.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (998-62)224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: arm@urdu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кун тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

И.С.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Т.Ж. Рахимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, PhD

Б. Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон хўжалигида глобаллашув жараёнларининг кучайиши натижасида дунё мамлакатлари иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири туризм ҳисобланади. “Дунё мамлакатларида туристик-рекреация хизматларга талаб ошиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилнинг ўзида туристик хизматлар экспортининг 80 фоизи рекреация ва 20 фоизи ишбилармонлик туризм турлари ҳиссасига тўғри келган. Жумладан, 2021 йилда жами туристик-рекреация хизматлари бўйича сарфларнинг 85 фоизи ички ва 15 фоизи халқаро туристлар улушини ташкил қилган”¹. Инновацион иқтисодиёт шароитида туристик-хизматлар бозорини нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида ривожлантириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда глобаллашув шароитида туристик рекреацион хизматларни ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияларини аниқлаш, минтақаларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, замонавий ёндашувлар асосида минтақа туристик рекреация имкониятларидан фойдаланиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Минтақаларда туристик рекреацион хизматларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш, туристик-рекреацион хизматларни кўрсатишга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш, кластерли ёндашувлар асосида такомиллаштириш ҳамда минтақа туристик-рекреацион хизматларни моделлаштириш асосида тармоқ истикболларини белгилаш бўйича илмий тадқиқотлар устувор йўналишлар сифатида қаралмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 35-мақсадида “мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқлари сифатида туризмни жадал ривожлантириш асосий мақсад сифатида белгиланган”². Шунингдек, 2022 йилда Хоразм вилоятида туризм янги иш ўринларини яратишда асосий драйвер соҳа бўлиши учун алоҳида дастур қабул қилиш муҳим вазифалар сифатида илгари сурилган. Ушбу вазифаларни самарали бажарилиши минтақа туристик-рекреацион хизматларини сифат даражаси баҳолаш ва рақобатбардошлик индексини ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштириш, зиёрат, спорт, санатория-курорт, истироҳат боғлари, диққатга сазовор жойлар, табиат каби туристик-рекреация хизмат турларининг ривожланиш кўрсаткичлари иерархик кластер таҳлилини амалга ошириш, туристик-рекреацион объектларининг ривожланиш даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичларини эконометрик моделлар асосида прогноз қийматлари ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-

¹ (WTTC) Travel and tourism economic impact. Global economic impact 2022 p 8

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони.

тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2953-сон “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 13 февралдаги 119-сон “2019-2020 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 14 июндаги 369-сон “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туристик рекреацион хизматларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатларда бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, хорижий олимлардан К.Райан, Д.Ландберг, М.Кришнамурти, Ч.Гии, Ж.Макенс, Д.Чей, Г.Харрис, Р.Кац, Э.Шухарт, М.Портер, Г.Чесбро, И.А.Киселова, А.М.Трамова³ каби олимларнинг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида туристик-рекреация хизматларини ривожлантиришнинг назарий ҳамда услубий жиҳатлари И.Т.Балабанов, А.М.Ветитнев, Л.Б.Журавлева, А.В.Борисова, Н.В.Пенкина, А.А.Игнатъев, А.С.Кусков, Е.Б.Квашнина, А.И.Тарасенок, Е.В.Жертовская⁴ каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Ушбу олимлар тадқиқотларида туристик-рекреация фаолиятини бошқариш жиҳатлари

³Chris Ryan. Recreational Tourism: Demand and Impacts / Channel View Publications, 2003. – 358 p.; Lundberg D., Krishnamurthy M. – Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Inc. 2003. -210 p.; Gee Ch. Y., Makens J.C., Chey, D. The Travel Industry. 3d. Wdit. -New York John Wiley Sons Inc. 2003. -250 p.; Харрис Г., Кац Р. Становление международного туризма в XXI веке. М.: Финансы и статистика, 2006.; Shewhart W. A. Statistical Method from the Viewpoint of Quality Control. Washington: The Graduate School, The Department of Agriculture, 1939 p 89; Портер, М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран / М. Портер; под ред. В.Д. Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993. – 896 с.; Чесбро, Г. Открытые инновации. Создание прибыльных технологий / Г. Чесбро. – М.: Поколение, 2007. – 336 с. – ISBN: 9785976300545.; Kiseleva I.A., Tramova A.M., Bayasgalan Tsetsgee. Analysis of the competitiveness of the tourist industry enterprises with the application of model of business excellence. – IFOCT-2013 (8 International Forum on Strategic Tecnology-2013), Mongolia, Ulan Bator, 2013, pp. 802.;

⁴Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.; А.М. Ветитнев, Л.Б. Журавлева. Курортное дело: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. 528 с.; А.В.Борисова. Курортное дело и оздоровительный туризм: учебное пособие. - Ярославл: ЯрГУ, 2009. – 114 с.; Туристско-рекреационный комплекс: теоретико-методологические подходы к анализу: Учебно-методическое пособие / Н.В. Пенкина. – Нижневартовск: Изд-во Нижневарт. гос. ун-та, 2017. – С.7-10.; Игнатъев, А.А. Инновации туризма на севере России // Горизонты экономики. – 2015. – № 4 (23). – С. 30–36.; Кусков А.С. Рекреационная география: Учебно-методический комплекс / Кусков А.С. – М.: МПСИ, Флинта, 2005.; Квашнина Е.Б. Методика оценки влияния мультипликативного эффекта туристской деятельности на смежные отрасли региональной экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – СПб.: Санкт-Петербургский экономический университет им.Г.В.Плеханова. 2013. – С. 10–11.; Тарасенок А.И. Геоэкономика туризма. – М.: ИНФРА-М; Мн.: Нов. знание, 2011. – С. 169.; Жертовская Е.В. Разработка комплексной методики выбора и принятия управленческих решений в области развития туристского комплекса в социально-экономической системе. Автореферат диссертации. – Таганрог, 2007. – С. 19.

ўрганилган ҳамда соҳа ривожланишига таъсир этувчи омилларни баҳолашга эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда туристик рекреацион хизматларни ривожлантириш механизмлари мамлакатимизда М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, Н.Т.Тухлиев, Б.Н.Навруз-зода, О.Х.Ҳамидов, З.Дж.Адилова, М.Т.Алиева, Г.Ш.Хонкелдиева, М.Т.Алимова, А.Т.Мирзаев, А.Н.Норчаев, Н.С.Ибрагимов, У.Р.Матякубов, Ш.Р.Файзиева, З.И.Усманова, Б.Д.Олланазаров, Д.Й.Бекжанов, З.Т.Абдулхакимов⁵ каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Аммо, юқорида тилга олинган олимлар изланишларида мамлакатимизда туристик рекреацион хизматларни ривожлантириш масалалари кенг ёритиб берилишига қарамасдан, Хоразм вилоятида туристик-рекреацион хизматларини сифат даражаси баҳолаш ва рақобатбардошлик индексини ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштириш, зиёрат, спорт, санатория-курорт, истироҳат боғлари, диққатга сазовор жойлар, табиат каби туристик-рекреация хизмат турларининг ривожланиш кўрсаткичлари иерархик кластер таҳлилин аналга ошириш, туристик-рекреацион объектларининг ривожланиш даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичларини эконометрик моделлар асосида прогноз қийматлари ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Мазкур диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-201709202-сон “Хоразм вилояти ва Хива

⁵ Пардаев М.К., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд: СамИСИ, 2006. - 137 б; Болтабоев М.П., Тухлиев И.С. Туризм: назария амалиёт. –Т.: «Фан ва технология», 2018, - 400 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. - 424 с.; Навруз-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навруз-зода З.Б., Навруз-зода Ш.Б.Туристтик худуд рақобатбардошлиги. Монография. – Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2017 - 156 б.; Ҳамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: Дисс...канд. экон. наук. – С.: СамИСИ, 2006. -155 с.; Хонкелдиева Г.Ш., Муминова Э.А., Мирзаев А.Т., Асрақулов А.А. Ўзбекистонда хизматлар соҳаси: замонавий ҳолат, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари: Монография. – Тошкент, “Наврўз”, 2020. 162 бет.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иктисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; Мирзаев А.Т Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштириш: иктисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: Тошкент, 2021. – 75б; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иктисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида): икт.фан.номз. дисс. – Т., 2004. - 136 б.; Ибрагимов Н.С Туристтик худуд барқарор рақобатбардошлигига эришишнинг илмий асослари иктисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – С.: Самарқанд, 2021. – 82б; Матякубов У.Р Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истиқболлари (Хоразм вилояти мисолида) иктисодиёт фанлари номзоди диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2011. – 18 б; Файзиева Ш. Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иктисодий механизмини такомиллаштириш: и.ф.н. дисс – Т., 2006. - 156 б.; Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик–рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари: иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – С.: СамИСИ, 2018. - 56 б.; Олланазаров Б.Д. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф. Самарқанд, 2019 – 21 б; Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари Бекжанов Д.Й Инновацион ёндашувлар асосида туристик дестинация рақобатбардошлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш) иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – У.: Урганч 2021. - 18 б.;Абдулхакимов З.Т Минтақада рекреациядан фойдаланишнинг ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштириш (Наманган вилояти мисолида) иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – С.: СамИСИ, 2020. - 59 б.;

шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минтақада туристик рекреацион хизматларни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“рекреация”, ва “туристик-рекреация” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

минтақада туристик-рекреацион хизматларни баҳолашнинг услубий жиҳатларини ёритиб бериш;

Хоразм вилояти туристик-рекреацион хизматларининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш;

минтақа туристик-рекреацион хизматларини ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

Хоразм вилояти туристик-рекреацион хизматларга бўлган потенциал талабни анкета-сўровнома асосида таҳлил қилиш;

минтақада туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва инновацион механизмларини очиб бериш;

Хоразм вилоятида туристик-рекреацион хизмат турларини кластерли таҳлил ёндашувлари асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Хоразм вилоятида туристик-рекреацион хизматларнинг ривожланиш кўрсаткичларини кўп омилли эконометрик моделлар асосида 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Хоразм вилоятининг туристик-рекреацион субъектлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини Хоразм вилоятининг туристик-рекреацион хизматларини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, анкета-сўровнома, иқтисодий статистик таҳлил, эконометрик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“туристик-рекреацион хизматлар” тушунчаси Ўзбекистон Республикасини Тошкент, Фарғона, Жанубий, Мирзачўл, Зарафшон ва Қуйи Амударё минтақаларининг географик жойлашуви асосида табиий, ижтимоий-иқтисодий, демографик жиҳатдан умумлаштирилган ҳолда назарияси такомиллаштирилган;

минтақа туристик-рекреацион хизматлар соҳасида фаолият юритувчи “Турлан”, “Шовот”, “Урганч”, “Хонқа”, “Green Grand Garden” санатория-курорт муассасалари хизматлари сифат даражаси эксперт баҳолаш усули ёрдамида рақобатбардошлик индекслари 1-“қониқарсиз”, 2-“қониқарли”, 3-“ўрта”, 4-“яхши”, 5-“жуда яхши” ликерт шкаласи (Likert scale) мезонлари асосида баҳолаш таклиф этилган;

Хоразм вилояти Шовот туманида “Улли Пир” (Юсуф Ҳамадоний) - “Бешмерган” туризм қишлоғи, Янгиариқ туманида “Шайх Мухтор Валий” - “Куранбой темирчи агротуризм маскани” ва Хива шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи - Ғоввук қўл каби туристик-рекреация хизмат турларининг ривожланиш кўрсаткичлари “Евклид масофаси” (Euclidean distance) асосида ўхшашлик даражаси юқори бўлган зиёрат-табиат кластерларига ажратиш усули таклиф қилинган;

минтақа туристик-рекреацион объектларининг ривожланиш даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичларини эконометрик моделлар асосида 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилоятининг зиёрат, спорт, санатория-курорт, истироҳат боғлари, диққатга сазовор жойлар ва табиат каби туристик-рекреация хизмат турларининг “Евклид масофаси” асосида ўхшашлик даражаси юқори кластерларга ажратиш усули таклиф қилинган;

Хоразм вилоятида фаолият юритаётган санатория-курорт муассасалари хизматлар рақобатбардошлигининг асосий мезонлари эксперт баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган;

вилоят санаторий-курорт муассасалари фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий ва инновацион механизмлар такомиллаштирилган;

вилоят туристик-рекреацион объектларининг ривожланиш даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичларини ARIMA эконометрик моделлари асосида 2022- 2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар орқали, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги статистик маълумотлари ва даврий ҳисоботлардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, рекреацион туризм фаолиятининг механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ҳамда таклифлар Хоразм вилояти, хусусан, рекреацион туристик дестинацияга ташриф буюрувчи рекреантлар оқимининг ортиши, туристик хизматларнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида улуши ошишида, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туристик рекреацион хизматларни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш орқали

худуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш, туристик рекреацион хизматларни такомиллаштириш орқали туристик дестинация рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги тузилмалари ва Хоразм вилояти ҳокимияти фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва “Рақамли-Ўзбекистон 2030” стратегияси ҳамда йил дастурларида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минтақада туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“туристик-рекреацион хизматлар” тушунчаси Ўзбекистон Республикасини Тошкент, Фарғона, Жанубий, Мирзачўл, Зарафшон ва Қуйи Амударё минтақаларининг географик жойлашуви асосида табиий, ижтимоий-иқтисодий, демографик жиҳатдан умумлаштирилган ҳолда назарияси такомиллаштирилган бўлиб, ушбу таклиф Хоразм вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 августдаги “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 83-12-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги 2022 йил 16 июндаги 04-18/ 2534-сон маълумотномаси). Натижада туристик-рекреацион хизматларни кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг йўналишларини такомиллаштириш имконияти аниқланган;

минтақа туристик-рекреацион хизматлар соҳасида фаолият юритувчи “Гурлан”, “Шовот”, “Урганч”, “Хонқа”, “Green Grand Garden” санатория-курорт муассасалари хизматлари сифат даражаси эксперт баҳолаш усули ёрдамида рақобатбардошлик индекслари 1-“қониқарсиз”, 2-“қониқарли”, 3-“ўрта”, 4-“яхши”, 5-“жуда яхши” ликерт шкаласи (Likert scale) мезонлари асосида ишлаб чиқилган баҳолаш механизми бўйича таклиф Хоразм вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 августдаги “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 83-12-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги 2022 йил 16 июндаги 04-18/2534-сон маълумотномаси). Натижада минтақанинг санатория-курорт муассасалари фаолияти самарадорлиги ўрта ҳисобда 4-6 фоизга ошган;

Хоразм вилояти Шовот туманида “Улли Пир” (Юсуф Ҳамадоний) - “Бешмерган” туризм қишлоғи, Янгиариқ туманида “Шайх Мухтор Валий” - “Куранбой темирчи агротуризм маскани” ва Хива шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи - Ғоввук кўл каби туристик-рекреация хизмат турларининг ривожланиш кўрсаткичлари “Евклид масофаси” (Euclidean distance) асосида ўхшашлик даражаси юқори бўлган зиёрат-табиат кластерларига ажратиш усули бўйича таклиф Хоразм вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 августдаги “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги 83-12-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги 2022 йил 16 июндаги 04-18/2534-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилиниши натижасида минтақага ташриф буюраётган туристлар сонини 10-15 фоизгача, туризм инфратузилмаси корхоналар сонини 3-5 фоизга ошириш ҳамда қишлоқ жойларида 300 нафардан зиёд янги иш ўринларни яратиш имконини берган;

минтақа туристик-рекреацион объектларининг ривожланиш даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичларини эконометрик моделлар асосида 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари ишлаб чиқилиши бўйича таклиф Хоразм вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 августдаги “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 83-12-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги 2022 йил 16 июндаги 04-18/2534-сонли маълумотномаси). Мазкур модел натижаларидан минтақада туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 5 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Минтақада туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида туризм соҳаси роли ва рекреация, “туристик-рекреация хизматлари” тушунчаларининг мазмун-моҳияти, уларни баҳолашнинг услубий жиҳатлари ҳамда туристик-рекреацион хизматларни такомиллаштиришда хориж тажрибалари тадқиқ қилинган.

Туризмда “рекреация” атамаси дастлаб XIV асрда, инглиз тилидаги адабиётларда илк бор қўлланилган бўлиб, “refreshment or curing of a sick person”, яъни “тетиклаштириш” ёки “касал одамларни тузалиши” деган маъноларда ишлатилган.⁶ Вақт ўтиши билан ушбу атама шаклланиб борган ва XIX асрнинг 90-йилларига келиб, АҚШда рекреация белгиланган иш кунлари давомида ажратиладиган “дам олиш кунлари” ва “таътиллари ташкиллаштириш” маъносида илмий адабиётларда қўлланила бошланган. Кейинчалик эса, инсон кундалик ҳаёти давомида йўқотган саломатлигини “қайта тиклаш”, “соғломлаштириш” маънолари сифатида қўлланилган.⁷

“Рекреация” (поляк тилида *rekreacja* – дам олиш, *rekreation* – қайта тиклаш маъноларини англатади) деганда инсоннинг меҳнат фаолияти давомида йўқотган кучларини қайта тиклаши тушунилади. Бунда рекреациянинг қайси туридан фойдаланиш рекреантларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда танланиши ва амалга оширилиши айтиб ўтилган⁸

“Туристик рекреацион туризм”га берилган таърифларни ўрганиш натижасида, рекреацион хизматлар нафақат иқтисодий балки ижтимоий фойдалилик даражаси юқори бўлган хизмат турларидан ҳисобланади. Рекреацион хизматларни асосий жиҳатларидан бири бу инсоннинг кундалик фаолияти давомида йиғилиб қолган стресс ва чарчоқни йўқотиш ҳисобланиб шу билан бирга инсонларнинг ижтимоий ҳаётига жуда катта таъсир ўтказади.

Тадқиқот ишида туристик рекреацион хизматлар тушунчаси назариясини такомиллаштириш мақсадида ушбу соҳа изланишлар олиб борган бир қатор олимларнинг фикрларини ўрганиб чиқиш давомида шу нарса аниқ бўлдики ҳар

⁶ Stephen F. McCool, R. Neil Moisey “Tourism, recreation and sustainability” 2nd Edition Linking Culture and the Environment ISBN: 978 1 84593 470 5 G155.A1T59244 2009 910.68--dc212008025497 p 197

⁷ А.М.Ветитнев, Л.Б. Журавлева. “Курортное дело”. – М:Кнорус, 2006. –с11

⁸ Кусков. А.С, Голубева. В.Л, Одинцова. Т.Н. Рекреационная география. Учебно-методический комплекс.-М.: МПСИ, Флинта. 2005 p 203

бир минтақанинг мавжуд рекреация ресурсларининг ўзига ҳос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси минтақалари кесимида “туристик рекреацион хизматлар” турининг таснифланиши⁹

Ўзбекистон Республикаси минтақалари	“Туристик рекреацион хизматлар” тушунчасининг таърифлари
Тошкент (Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти)	Туристик рекреацион хизматлар – тоғли ва тоғолди ҳудудлари, дарё ҳавзалари, кўллар, сув омборлари ҳамда санатория-курорт, резерватлар спорт-соғломлаштириш муассасаларида ташкил қилинади
Фарғона (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари)	Туристик рекреацион хизматлар – алоҳида табиий иқлим шароитига эга бўлган тоғ ва баланд тоғ тизмалари, сўлим сойлар, кўл, булоқлар, санатория-курорт муассасаларида ташкил қилинади
Зарафшон (Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятлари)	Туристик рекреацион хизматлар – дарё сув ҳавзалари, кўллар, тоғли ҳудудлар, зиёратгоҳлар санатория-даволаниш муассасаларида ташкил қилинади
Жанубий (Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари)	Туристик рекреацион хизматлар- тоғли ҳудудлар, даралар, тоғ дарёлари, санатория-курорт муассасалари, минерал булоқлар, ихтисослашган шифохоналарда ташкил қилинади
Мирзачўл (Жиззах, Сирдарё вилоятлари)	Туристик рекреацион хизматлар - тоғ тизмаларидаги табиий ва рекреация масканлари, дарё ҳавзалари, кўллар, санатория-курорт муассасалари, дам олиш ва даволаниш масканлари, тоғ-арча ўрмонларида ташкил қилинади
Қуйи Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти)	Туристик рекреацион хизматлар- чўл зоналарида, дарё ҳавзалари, табиий тўқайзорларда, тузли шифобахш кўллар, сув омборларида, табиат қўриқхоналари, зиёратгоҳлар спорт ва соғломлаштириш масканларида ташкил қилинади

Тадқиқот давомида, Хоразм вилоятида фаолият юритаётган асосий санатория-курорт муассасалари фаолияти таҳлил қилиниб, рекреантлар ва экспертлар билан интервью шаклида сўровномалар ўтказилди. Шунингдек санатория-курорт муассасаларининг иқтисодий кўрсаткичлари, талаб ва таклиф таркиби таҳлил қилинди. Ўрганилган тадқиқот натижаларига мувофиқ, вилоятнинг географик жойлашуви, иқлими, туристик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, санатория-курорт муассасаларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва инновацион механизмлари ишлаб чиқилди (1-расм).

⁹ Манба: муаллиф ишланмаси.



1-расм. Хоразм вилояти санатория-курорт муассасаларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва инновацион механизмлари¹⁰

Диссертациянинг “Минтақада туристик-рекреацион хизматлар ривожланишининг бугунги ҳолати ва таҳлили” деб номланган иккинчи бобида Хоразм вилоятининг туристик-рекреацион хизматлар кўрсаткичлари ва аҳолиси ўртасида рекреацион туризмга бўлган талаб таҳлили ҳамда туристик-рекреацион хизматларни кўрсатишга таъсир қилувчи омиллар баҳоланган.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасининг санатория-курорт муассасалари фаолиятининг 2011-2020 йиллардаги ривожланиш динамикасини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида таҳлил қилинди. Келтирилган, маълумотларига мувофиқ, 2011 йилда мамлакатимизда жами фаолият юритаётган санатория-курорт муассасалари сони 149 тани ташкил қилган бўлса, 2020 йилда уларнинг сони 203 тани ташкил қилиб, 30 фоиздан кўпроқ ошган. Шунингдек, ўтган давр мобайнида санатория-курорт

¹⁰ Манба: муаллиф ишланмаси.

муассасаларининг хоналар сони 3859 тага ортган ва уларда янги 11110 та ўринлар барпо этилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги санатория-курорт муассасаларининг 2011-2020 йиллардаги ривожланиш динамикаси¹¹

	Санатория-курортлар сони		Номерлар фонди				Жойлаштирилган рекреантлар сони	
			Хоналар сони		Ўринлар сони			
	2011	2020	2011	2020	2011	2020	2011	2020
Ўзбекистон Республикаси	149	203	7149	11008	16999	28109	255096	448583
Қорақалпоғистон Республикаси	12	7	311	293	855	568	6380	5802
Вилоятлар								
Андижон	10	11	314	380	855	837	8858	8319
Бухоро	5	4	224	313	470	624	6881	7914
Жиззах	4	9	267	644	672	1272	10558	20748
Қашқадарё	9	17	433	583	885	2312	7653	11224
Навои	5	7	301	357	582	756	7911	10761
Наманган	13	18	1067	1442	2458	2915	38661	60217
Самарқанд	11	29	272	831	862	2837	12416	19398
Сурхондарё	7	11	125	319	430	1293	3051	12180
Сирдарё	2	2	54	69	112	264	522	764
Тошкент	24	34	1539	3009	3500	6256	65280	113755
Фарғона	25	36	1210	1679	2898	4183	47877	129629
Хоразм	5	5	115	109	445	606	3022	4683
Тошкент ш	17	13	917	980	1975	3376	36020	43189

Тадқиқот ишида эксперт баҳолаш ёрдамида Хоразм вилоятининг санатория-курорт муассасаларининг рақобатбардошлик индекси ишлаб чиқилди. Шунингдек, рақобатбардошлик мезонларини ишлаб чиқишда санатория-курорт даволаш хизматлари соҳасида кўп йиллик иш тажрибаси, билим ва кўникмага эга бўлган экспертлар ёрдамидан фойдаланилди. Эксперт баҳолаш натижаларига кўра, танлаб олинган муассасаларнинг салоҳияти деярли бир-бири билан тенг бўлиб, уларнинг кўрсаткичлари орасида кескин фарқ кузатилмади.

Хоразм вилоятида туристик-рекреацион хизматлар соҳасида фаолият юритувчи “Турлан”, “Шовот Оби-Ҳаёт”, “Урганч”, “Хонқа”, “Green Grand Garden” санатория-курорт муассасалари хизматлари сифат даражаси эксперт баҳолаш усули ёрдамида рақобатбардошлик индекслари 1-“қониқарсиз”, 2-

¹¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

“қоникарли”, 3- “ўрта”, 4-“яхши”, 5-“жуда яхши” ликерт шкаласи (Likert scale) мезонлари асосида баҳоланди. Энг юқори кўрсаткичлар, “Гурлан” ва “Шовот Оби-Ҳаёт” санатория-муассасаларига тўғри келиши аниқланди. Ушбу муассасаларда бўш вақтни ташкил этиш, табиий даволовчи омилларнинг мавжудлиги, обрў-машҳурлик ва транспорт хизматлари каби мезонлар бўйича заифликни, қолган мезонлар бўйича эса устунликга эга бўлганлигини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Хоразм вилояти санатория-курорт муассасаларининг рақобатбардошлик мезонларини эксперт баҳолаш натижалари¹²

№	Баҳолаш мезонлари	5 баллик шкалада мезонларнинг ўртача баҳоси				
		Гурлан	Хонқа	Шовот Оби-Ҳаёт	Урганч	Green Grand Garden
1.	Курорт даволаш	5	4	4	3	3
2.	Умумий овқатланиш	4	3	4	3	4
3.	Бўш вақтни ташкил этиш	4	4	3	3	3
4.	Яшаш шароитлари	5	3	5	4	5
5.	Табиий даволовчи манбаларнинг мавжудлиги	5	4	3	4	3
6.	Жойлашуви	5	5	5	4	3
7.	Инфратузилма	4	3	4	5	5
8.	Обрў-машҳурлик	3	5	5	5	4
9.	Транспорт	3	4	5	5	5
10.	Курсдан кейин рекреантларнинг даволаниш ҳақидаги фикри	5	4	5	4	4
	Жами	43	39	43	40	39

Юқорида эксперт сўровлари натижаларига асосланган ҳолда микдорий жиҳатдан баҳолаш амалга ошириб ўтилди, аммо сифат жиҳатдан баҳолаш учун ҳар бир мезоннинг вазни ва аҳамиятини тўлиқ инобатга олиш лозим. Тадқиқот давомида танлаб олинган мезонлар асосида “Гурлан” санатория-курорт муассасаси рақобатчилари орасида рақобатбардошлигини таққослаш мақсадида “намуна” ёки “эталон муассаса” баҳоси қабул қилинди ҳамда эксперт баҳолаш йўли билан ҳар бир мезон баҳоси салмоғи аниқланди (4-жадвал).

¹² Манба: муаллиф ишланмаси.

Хоразм вилояти санатория-курорт муассасаси рақобатбардошлик мезонларининг эксперт баҳолари¹³

№	Рақобатбардошликни баҳолаш мезонлари	Мезон параметрлари	
		Намуна сифатида олинган муассасага кўра баҳо мезонлари (Гурлан)	Мезоннинг салмоғи
1.	Курорт даволаш	5	0,2
2.	Умумий овқатланиш	4	0,15
3.	Бўш вақтни ташкил этиш	4	0,05
4.	Яшаш шароитлари	5	0,15
5.	Табиий даволовчи манбаларнинг мавжудлиги	5	0,15
6.	Жойлашуви	5	0,1
7.	Инфратузилма	4	0,1
8.	Обрў-машҳурлик	3	0,02
9.	Транспорт	3	0,04
10.	Курсдан кейин рекреантларнинг даволаниш ҳақида фикри	5	0,04

Юқорида ҳар бир мезон бўйича рақобатбардошлиги паст бўлган муассасалар қиёсий таҳлили келтириб ўтилган бўлиб, бу уларнинг бозордаги умумий рақобатбардошлигини ифодалай олмайди. Буни инобатга олган ҳолда ҳар бир мезон салмоғи ҳамда солиштирма кўрсаткичлари орқали ҳар бир муассасанинг рақобатбардошлик индексини аниқланди. Тадқиқот давомидаги таҳлил ва баҳолашлар шуни кўрсатадики, ўрганилаётган муассасалардан “Гурлан” санатория муассаси(1)га нисбатан энг яқин рақобатчилар “Шовот Оби-Ҳаёт” (0,928), “Green Grand Garden” (0,858), “Урганч”(0,847) ва “Хонқа”(0,826) муассасалари ҳисобланади. Санатория-курорт муассасаси муваффақиятли деб эътироф қилиниши учун рақобат ҳолатига оид барча омилларни ҳисобга олиниши лозим. Жумладан, санатория-курорт муассасаларининг рақобатбардошлик омиллари ташқи (табиий даволовчи манбаларнинг мавжудлиги, географик жойлашуви, обрў-машҳурлик, транспорт), ички (курорт даволаш, умумий овқатланиш, бўш вақтни ташкил этиш, яшаш шароитлари) ва аралаш(инфратузилма, даволашдан сўнг рекреантларнинг хизматлар бўйича фикр мулоҳазалари) каби гуруҳларга ажратилди.

Диссертациянинг «**Минтақада туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида минтақада туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, вилоятда туристик-рекреацион хизмат турларини кластерли ёндашувлар асосида ривожлантириш истиқболлари ҳамда туристик-рекреацион хизматлар

¹³ Манба: муаллиф ишланмаси.

кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Хоразм вилоятида туристик рекреация турларини кластерларга ажратиш учун даставвал юқоридаги мулоҳазаларга асосланган ҳолда туристик рекреация турларининг ривожланиш кўрсаткичлари асосида бир-бирига яқинлик даражаси шакллантирилди. Зиёрат, спорт, санатория-курорт, истироҳат боғлари, диққатга сазовор жойлар ҳамда табиат каби рекреация хизмат турлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш мақсадида бугунги кунда турли ҳил соҳаларда кенг қўлланилаётган “Cluster Analyzes” кластерли таҳлил усулидан фойдаланилди. Кластер таҳлили кўп ўлчовли усул ҳисобланиб, ушбу таҳлилда, туристик рекреация хизмат турларининг ривожланиш кўрсаткичлари асосида бир-бирига ўхшаш субъектлар бир нечта гуруҳларга ажратилади (5-жадвал).


5-жадвал

Хоразм вилояти туристик-рекреация хизмат турларининг ривожланиш кўрсаткичларини бир-бирига яқинлик даражаси¹⁴ (“Евклид масофаси” асосида ҳисобланган)

	Зиёрат	Спорт	Санатория курорт	Истироҳат боғлари	Диққатга сазовор жойлар	Табиат (Агро-туризм масканлари)
Зиёрат	0,000					
Спорт	2,848	0,000				
Санатория-курорт	2,066	3,801	0,000			
Истироҳат боғлари	0,863	2,597	2,908	0,000		
Диққатга сазовор жойлар	0,661	2,723	2,723	0,228	0,000	
Табиат (Агротуризм масканлари)	0,399	2,883	1,673	1,238	1,050	0,000

5-жадвал маълумотларига кўра рекреациянинг “Зиёрат” хизмат турига энг яқин масофада “Табиат (Агротуризм масканлари)” хизмат тури 0,399 бирлик “Диққатга сазовор жойларга ташриф” 0,661, “Истироҳат боғлари” 0,863, “Санаторий-курорт муассасалари” 2.066 ва энг узоқ масофада эса “Спорт” тури 2,848 бирлик масофада жойлашган. “Спорт” хизмат тури барча рекреация турларига нисбатан анча узоқроқ масофада жойлашган, яъни рекреантларнинг ушбу рекреация хизмат турига сарфлайдиган вақти, маблағлари бошқа рекреация хизмат турларига нисбатан фарқ қилган. Юқоридаги рекреация хизмат турларини бир-бирига яқинлик даражаси таҳлили асосида кластерларга бирлашиш ҳолати дендрограмма шаклда келтирилган (2-расм).

¹⁴ Манба: муаллиф ишланмаси.



2-расм. Хоразм вилоятида туристик рекреация хизмат турларини ривожлантириш истиқболларини ифодаловчи дендрограмма тасвири¹⁵

Юқорида келтирилган дендрограмманинг ордината (вертикал) ўқи бўйича туристик рекреация хизмат турлари берилган, абсцисса (горизонтал) ўқи бўйича туристик рекреация хизмат турлари орасидаги масофа (ммда) ифодаланган.

Дендрограмма тасвирига кўра, “Дикқатга сазовор жойлар” хизмат тури ва “Истироҳат боғлари” хизмат тури дастлабки кластерни ташкил қилган. Яъни улар орасидаги масофа энг кичик қийматни ақс эттирган. Сўнгги босқичда, “Зиёрат” билан “Табиат(Агротуризм масканлари)” туристик рекреация хизмат турлари кластерини ҳосил қилишган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Хоразм вилояти туристик рекреация хизмат турларини “Зиёрат”-“Табиат(Агротуризм масканлари)”, “Спорт”, “Санатория-курорт”, “Истироҳат боғлари – Дикқатга сазовор жойлар” каби кластерларга ажратишга мақсадга мувофиқ деб топилди.

Юқорида келтирилган жадвалдаги Евклид масофаси асосида рекреация турларининг устун, заиф ва ўхшаш жиҳатларини инобатга олган ҳолда, 4 та гуруҳга ажратилди. Ушбу кластерли таҳлил усули ёрдамида аниқланган “Зиёрат-Табиат(Агротуризм масканлари)” туристик рекреация хизмат турлари биринчи кластер ҳисобланади. Хоразм вилоятининг ўзига хос табиати, сўлим қишлоқ ҳудудлари ҳамда бой зиёрат туризм ресурслари асосида “Зиёрат-Табиат (Агротуризм масканлари)” туризм кластерларини шакллантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, тадқиқотлар натижасида, Хоразм вилояти Шовот туманида “Улли Пир” (Юсуф Ҳамадоний) - “Бешмерган” туризм

¹⁵ Манба: муаллиф ишланмаси.

қишлоғи, Янгиариқ туманида “Шайх Мухтор Валий” - “Қуранбой темирчи агротуризм маскани” ва Хива шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи-Ғоввук кўл каби туристик-рекреация хизмат турларининг ривожланиш кўрсаткичлари “Евклид масофаси” (Euclidean distance) асосида ўхшашлик даражаси юқори бўлган зиёрат-табиат кластерларини ташкил қилиш йўналишлари ишлаб чиқилди (6-жадвал).

6-жадвал

Хоразм вилоятида зиёрат-табиат (агротуризм масканлари) туристик рекреация кластерларини ташкил қилишнинг йўналишлари¹⁶

Худудлар	Зиёрат –табиат (агротуризм масканлари) кластери	Кластер иштирокчилари
Шовот тумани	“Улли Пир” (Юсуф Ҳамадоний) зиёратгоҳи – “Бешмерган” туризм қишлоғи	Кластерни мувофиқлаштирувчи кенгаш; Маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари; Хунармандлар ва сувенир ишлаб чиқарувчилар; Жойлаштириш воситалари ва умумовқатланиш корхоналари; Транспорт хизматини кўрсатиш корхонлари; Туроператорлар ва турагентликлар; “Ваянган бобо” зиёратгоҳи; “Комилжон Отаниёзов истироҳат” боғи; “Катқалъа” тарихий археологик объекти “Шовот Оби-Ҳаёт” санаторияси
Янгиариқ тумани	“Шайх Мухтор Валий” зиёратгоҳи - “Қуранбой темирчи” агротуризм маскани	Кластерни мувофиқлаштирувчи кенгаш; Маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари; Хунармандлар ва сувенир ишлаб чиқарувчилар; Жойлаштириш воситалари ва умумовқатланиш корхоналари; Транспорт хизматини кўрсатиш корхонлари; “Хонқа” санаторияси; “Оқмачит” қишлоғи “Немис меннонит”лари яшаган худуддаги туристик маскан
Хива шаҳри	“Паҳлавон Маҳмуд” зиёратгоҳи – Ғоввук кўл	Кластерни мувофиқлаштирувчи кенгаш; Маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари; Хунармандлар ва сувенир ишлаб чиқарувчилар; Жойлаштириш воситалари ва умумовқатланиш корхоналари; Транспорт хизматини кўрсатиш корхонлари; Туроператорлар ва турагентликлар; “Ичан Қалъа” давлат музейи кўрикхонаси;

Хоразм вилояти туристик-рекреация хизматларини ривожланишига санатория-курорт муассасаларига таширф буюрувчилар сони, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати, рақобатбардошлик даражаси, йўлланма

¹⁶ Манба: муаллиф ишланмаси.

нархи, мавжуд инфратузилманинг ҳолати ва бошқа бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда минтақа туристик – рекреация хизматлари соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳамда санатория-курорт даволаш хизматлари бозорида салмоқли улушига эга бўлган Гурлан, Хонқа, Шовот Оби-Ҳаёт, Урганч ва Green Grand Garden санаториялари учун кўп омилли эконометрик моделини тузишда қуйидаги кўрсаткичлар натижавий ва таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди: натижавий омил - санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони (киши) - (Y), таъсир этувчи омиллар - санатория-курорт муассасасидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати (ш.б) - (X₁), санатория-курорт муассасасининг рақобатбардошлик даражаси (ш.б) - (X₂), санатория-курорт муассаса йўлланмаси нархи (сўм) - (X₃), санатория-курорт муассасасидаги мавжуд инфратузилманинг ҳолати (ш.б) - (X₄).

Хоразм вилоятининг туристик-рекреацион хизматлар соҳасида фаолият юритувчи санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрувчилар сонининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда асосан қуйидаги эконометрик моделлардан фойдаланилди:

1. ARIMA (Autoregressive integrated moving average);
2. Чизикли регрессия тенгламаси.

